

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

БУХОРО ОЗИҚ-ОВҚАТ ВА ЕНГИЛ САНОАТ
ТЕХНОЛОГИЯСИ ИНСТИТУТИ



«ИЖТИМОЙ ФАНЛАР КАФЕДРАСИ»

***БАРКАМОЛ АВЛОДНИ ТАРБИЯЛАШДА ПИРИ ДАСТГИР МЕРОСИДАН
ФОЙДАЛАНИШ***

Бухоро – 2010

Ушбу ўқув-услубий қўлланма Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2010 йилни «Баркамол авлод йили» деб эълон қилинганлиги муносабати билан Олий ўқув юртлари талабаларининг маънавий меросни ўрганиши ва бунёдкор ҳояларидан ўқув жараёнида фойдаланиши мақсадида тайёрланган. Унда Бухоройи шарифда Пири Дастгир номи билан танилган буюк мутасаввиф олим каламига мансуб бир газал тахлили асосида комил инсон сифатлари курсатилган.

Ўқув-услубий қўлланма Олий ва ўрта махсус таълим йўналишидаги барча ўқув юртларининг профессор-ўқитувчилари, талабалари ва фалсафа фани билан қизиқувчилар учун тавсия этилади. Ушбу ўқув-услубий қўлланма биринчи марта нашр этилмоқда.

Масъул муҳаррир: ф.ф.д.проф.Наврузова Г.Н.
Муҳаррир: доцент Рузиев Х.Р.

Тузувчи: фалсафа фанлари номзоди Гуландом Юнусова

Такризчилар: фалсафа фанлари номзоди
доцент **Ойгул Шарипова**
фалсафа фанлари номзоди **Эркин Зоиров**

**Ушбу қўлланма Бухоро Озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институти
Услубий кенгашида тасдиқланган. (Баённома № -----2010 йил)**

***Биз яшаётган ХХІ аср –
интеллектуал бойлик ҳукмронлик
қиладиган аср. Бунини чуқур англаб
олган давлат ва жамият, биринчи
навбатда, бугун униб-ўсиб келаётган
фарзандларимизнинг ҳар томонлама
баркамол авлод бўлиб ҳаётга кириб
боришинини ўзи учун энг улуғ, керак
бўлса, энг муқаддас мақсад, деб
билади.***

Ислом Каримов

Кириш

Мустақил Ўзбекистонимизда баркамол авлод тарбиясига алоҳида эътибор берилаётганлиги ва бу соҳада тарихий хотира аҳамиятининг ошаётганлиги сабабли фан тараққиёти фалсафа тарихининг асосий йўналишларини ўрганишни талаб этмоқда. Зеро, фаол ва ижодий онгга эга бўлган кишиларни тарбиялаш ниҳоятда долзарб. Айниқса, глобаллашув жараёнида ёшларни ҳар қандай ғоявий хуруж, мафкуравий тазйиқ, ахборот ҳужумларидан асрай олиш бугунги куннинг долзарб муаммоларидан биридир.

Юксак маънавиятли баркамол авлодни шакллантириш мустақил Ўзбекистоннинг стратегик мақсадларидан биридир. Ушбу мақсад буюк аجدодларимизнинг тарихий-маданий ва ижтимоий-ахлоқий меросини чуқур ўрганиш, ундаги инсонпарвар ғоялардан унумли фойдаланишни тақозо этади. Республикамиз Президенти И.А.Каримов айтганидек “... юртдошларимизни муқаддас ислом дини ва фалсафаси, азиз авлиёларимизнинг ибратли ҳаёти, қутлуғ қадамжоларга, бошқа диний конфессияларга нисбатан ҳурмат - эҳтиром ва бағрикенглик руҳида тарбиялаш, жамиятимизда соғлом турмуш тарзи, миллатлараро тотувлик, ўзаро меҳр-оқибат муҳитини мустаҳкамлаш”¹ миллий тараққиётнинг, стратегик мақсадга етишнинг муҳим шартидир. Шунинг учун буюк аجدодларимизнинг тарихий-фалсафий ва ижтимоий-ахлоқий меросини ўрганишга Республикамизда катта эътибор берилмоқда.

Мана шундай фалсафий, ижтимоий-ахлоқий таълимотлардан бири тасаввуф тарихида ўчмас из қолдирган, халқ ҳаётида буюк зот сифатида ном қозонган инсонлардан бири, кўплаб шоир-у олимлар асарларида улуғ сифатлар, Пири Дастгир, Ғавсул Аъзам сифатлари билан ёдга олинган Абдулқодир Гийлонийнинг тўлиқ исми – Абу Муҳаммад Муҳйиддин Абдулқодир ибн Абу Солиҳ Шайх Абдулқодир Гийлоний Расулуллоҳ (сав) авлодларидан бўлиб, ҳижрий 470 (милодий 1077) йилда ҳозирги Эроннинг Гийлон кендида туғилган, ҳижрий 561(милодий 1166) йилда Бағдодда вафот этган. Шу шаҳардаги қабр-мақбараси ҳозирда гавжум зиёратгоҳ¹.

¹ Каримов И.А. Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида // Халқ сўзи. 2006й. 26 август.

¹ Шайх Сайид Абдулқодир Гийлоний. Сиррул асрор.Мактубот. Таржимон О.Жўрабоев. –Т.: Мовароуннахр. 2005. – Б.8.

1.Пири Дастгир ҳаёти ва маънавий мероси.

Ислом дунёсининг машҳур шайхи, кодирия тариқатининг муассиси бўлган бу зоти шарифнинг ҳаёти ва фаолияти борасида кўплаб фикр-мулоҳазалар баён қилинган. Уларнинг бир қанчаси эса баҳслидир. Бу эса буюк шайхнинг жуда машҳурлиги ҳамда, ҳаёти ва фаолияти турли даврларда, турли шахслар томонидан ҳар хил талқин этилганлигидандир. Абдулқодир Гийлонийнинг таржимаи холи келтирилган кўпгина асарлар учун инглиз шарқшунос олими Олворт² махсус рўйхат тузган.

Абдулқодир Гийлоний валийлар орасида энг кўп кароматлари билан машҳур бўлган авлиёдир. Гарчи, фалсафа фани каромат ёки башорат каби ҳодисаларни ғайриилмий ҳодиса деб баҳо берса-да, тасаввуф таълимотида маънан ва руҳан комил инсонлар аввало ғайриоддий хислатлари билан оддий халқдан фарқ қилган. Бу ҳақда тасаввуфшунос олим Н.Комилов шундай фикр билдиради: “Аввало шуки, авлиёлар суҳбатининг ўзи айни каромат, чунки улар суҳбатидан файзёб бўлган киши ўзини ўзга оламда ҳис этади, бир илоҳий қудрат билан тубанликдан юксаклик сари кўтарилади, мартаба – мақомга эришади”³.

Шу сабабдан халқ орасида ва бутун тасаввуф оламида Саййид Абдулқодир Гийлоний ҳазратлари Ал Қутбул Аъзам (Буюк қутб), Ғавсул Аъзам (Буюк қутқарувчи), Қувватул Орифийн (Орифларнинг қуввати), Сардорул восилийн (Ҳаққа етишувчиларнинг сардори), Раҳнамо ул-ошиқийн (Ошиқларнинг раҳнамоси), Пири Дастгир (Сақловчи пир) сифатлари билан маълум ва машҳур. Шунингдек Бухоройи шарифда айрим оилалар ва ихлосмандлар томонидан Ғавсул Аъзам шарафига бағишланган машҳур “Хатми ёздаҳум” маросими ўтказилади.

Абдулқодир Гийлонийнинг оила аъзолари ҳақида қуйидаги маълумот мавжуд. Унинг фарзанди кўп бўлган. Иккита ўғли - Абдураззоқ (1133-1207) ва Абдулазиз (в.1205) ота йўлидан бориб, диний обрў қозонган⁴. Айрим манбаларнинг гувоҳлик беришича, Гийлоний фарзандларининг сони 49 нафаргача дейилади ва улардан 11 нафари оталари бошлаган ирфон ишининг давомчиси сифатида зикр этилган⁵.

Шуни таъкидлаш жоизки, бугунги кунда Абдулқодир Гийлонийнинг авлодларидан Саййид Абдуллаҳон Тўра Бузрукхон ўғли⁶ Ўзбекистонимизнинг Фарғона вилоятидаги Бешариқ туманида истиқомат қиладилар. У киши кўхна заминимизда кодирия сулуки ривожига жуда катта ҳисса қўшганлар. Абдуллаҳон Тўра Ғавсул Аъзамга тўққизинчи авлод бўлиб, пайғамбаримизга (сав) йигирма тўққизинчи авлод ҳисобланадилар.

Тарихий манбаларда берилган маълумотларга кўра, Абдулқодир Гийлонийнинг форс илоҳиётчиси, мутасаввиф сифатида талқин қилинишига, унинг ўзи яшаган даврда кодирия тариқати асосчиси сифатида эмас, балки 13 фандан сабоқ берувчи мударрис сифатида танилганлиги сабаб бўлган. Бу ҳақда қуйидагича маълумот берилган: “Ўз даврининг улуғ олимларида таҳсил кўриб, ислом дини асослари ва тасаввуф таълимотини пухта эгаллайди. Бағдод шаҳрида мадраса барпо этиб, ўттиз уч йил давомида толиби илмларга сабоқ беради. Ғавсул Аъзам разияллоҳу анҳу ўз мадрасаларида ўн уч қисм илмга дарс айтур эрдилар. Чунончи, илми тафсир, илми ҳадис, илми мазҳаб, илми усул, илми ахлоқ, илми фикҳ...”⁷

Гийлоний макбараси Бағдодда бўлиб, исломдаги муқаддас жойлардан бири ҳисобланади. Бу шайхнинг келажак авлод учун ибрат олса арзигулик ишлари кўп ва хўбдир.

² Бу ҳақда қаранг: Ahlwardt, Verz. D. Arab. Handschr., nr. 100072-100092. Иктибос юқоридаги асардан олинди – Б. 8.

³ Комилов Н.Тасаввуф. - Т.: Ғафур Ғулом, 1999. –Б. 179.

⁴ Тримингэм Дж.С. Суфийские ордены в исламе. Перевод с англ. Акимушкин О. -М.: Гелиос, 2002. - С. 67.

⁵ Бу ҳақда қаранг: Шайх Саййид Абдулқодир Гийлоний. Сиррул асрор. Мактубот. Таржимон Жўрабоев О. – Т.: Мовароуннахр, 2005. – Б.14.

⁶ Бу ҳақда қаранг: Холмирзаева Ж. Ғавсул Аъзамнинг фарғоналик авлодлари // Сино, 2005. №18, - Б. 47-48.

⁷ Мухаммад Сиддиқ Рушдий. Авлиёлар султони. Нашрга тайёрловчи Икромиддин Остонакул ўғли Оққўрғоний. - Т.: Камалак 1995. – Б. 7.

Абдулқодир Гийлонийнинг ижтимоий-ахлокий, фалсафий қарашлари акс эттирилган асарларининг айрим тошбосма ва қўлёзма нусхалари сақланган. Мустақил Ўзбекистонда олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари натижасида ушбу асарларнинг бир қисми таржима этилди ва илм аҳли қўлига етди. Илмий жамоатчиликка маълум бўлган Абдулқодир Гийлонийнинг асарлари қуйидагилар:

1.“Ал-Гунятун ли толиби тариқил ҳақ”⁸ (“Ҳақ йўлини истовчи учун бой ва мукаммал манба”). Ушбу манбада инсонни камолотга етакловчи 10 ҳислат талқини берилган бўлиб, унда комилликнинг асосида бағрикенглик, қалб поклиги, кечиримлилик, камтарлик, тавозеъ каби фазилатлар Қуръони карим оятлари ва ҳадислардан намуналар орқали очиб берилган. Шунингдек гўзал ахлоқ ва гўзал табиатлилик хусусида алоҳида тўхталган.

2.“Тухфатул қодирия”⁹. Асар араб тилида ёзилган бўлиб, ёзилиш санаси 1321 милодий йил, кўчирилиши санаси 1856 йил эканлигини аниқлади. Ушбу асар унвон варағида “Қасидаи Ғавсия” номи билан битилган бўлиб, унинг қолган қисмида 90 та манқабат, 1 та Курсийнома ва Исми Аъзам баёни берилган.

3.“Қасидаи Ғавсия”¹⁰. Ушбу асарнинг бир қисми сулс ёзувида, асарнинг қолган қисми настаълиқ ёзувида битилган. Абдулқодир Гийлоний “Қасидаи Ғавсия” да ўзи ва кароматлари, шунингдек Ҳақ таоло назаридаги мавқеи хусусида маълумотлар берган. Демак, ушбу асар қасидаи ҳолиядир. Асар араб тилида битилган бўлиб, ҳар бир мисра остида форсий забонда изоҳи битилган. Ҳажман 26 байт, 52 мисра бўлиб, қасиданинг мактаъсида шоир номи зикр этилган.

4.“Девони Ғавсул Аъзам”¹¹. Асар форс тилида ёзилган бўлиб, у Мулла Мир Алим Хожа исмли котиб томонидан кўчирилган. Юзида мавжуд манбада кўчирилиш санаси 1324х.й.х. (1906 йил м.й.х.) деб кўрсатилган. Асарнинг ёзилиш санаси эса ноаниқ. Биздаги нусханинг айрим бетлари, жумладан, 1-3, 15-16, 40-46 йўқолган. Асар форс тилида Мухйи тахаллуси билан битилган ғазаллардан таркиб топган. Унда билиш фалсафаси, борлик ва унинг мавжудлик шакллари, тасаввуф таълимотида қадриятлардан саналган тавба, огоҳлик ғафлат ва унинг зарари, илму-ирфонга бўлган интилиш ва ҳоказо ғоялар очик баён этилган. Асар охирида қодирия тариқатининг машҳур маросимларидан бири “Хатми ёздаҳум”¹²нинг қондаси берилган.

5.“Сиррул-асрор фима йаҳтажу илайҳил-аброр”¹³ (“Азиз ва пок кишилар тоифасининг эҳтиёжларига аталган сирларнинг сири”). Асарда инсон ҳаётида вужуд поклиги билан бирга қалб поклиги масаласига алоҳида эътибор берилади. Мусулмонлар учун фарз бўлган Ҳаж зиёрати бандани гуноҳларидан покланишига сабаб бўлса, унинг

⁸ Ушбу асар араб тилидан С.Сайфуллоҳ томонидан таржима қилинган бўлиб, 2005 йилда нашрдан чиққан “Сиррул асрор” китобига киритилган. Қаранг: Сиррул асрор. Мактубот.Таржимон О.Жўрабоев. – Т.: Мовароуннахр, 2005. – Б. 220. Яна қаранг: ЎзР ФА ҳузуридаги Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида “Гунятун ли толиби тариқил Ҳаққ” асарининг қўлёзма нусхаси 6038 рақами остида сақланмоқда.

⁹ Ушбу асар таркибидаги “Қасидаи Ғавсия”ни форс тилидан таржимасини амалга оширдик. Қаранг: // Имом ал-Бухорий сабоқлари, 2004. №1. Асарнинг қўлёзма нусхаси ЎзР ФА ҳузуридаги Шарқшунослик институти Бухоро филиали хазинасида №27775/11 рақами остида сақланмоқда.

¹⁰ Ушбу асарнинг биз таржима қилган варианты “Тухфатул қодирия”нинг таркибида бўлиб, унинг яна 4 нусхаси ЎзР ФА ҳузуридаги Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида “Қасидаи Жилоний” ва “Қасидаи Ғавсия” номлари билан мавжуд. Улар №10650, №11342, №6491, №504 рақамлари остида сақланмоқда.

¹¹ Ушбу асар тошбосма нусхада бўлиб, уни биз илк маротаба топиб, тўла таржима этдик ва унинг бир қисми ҳақида “Имом ал-Бухорий сабоқлари” журналининг 2004 йил 3-сонида маълумот бердик. Асарнинг ЎзР ФА ҳузуридаги Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида “Девони Мухйи” номи билан 11 нусхаси мавжуд.Улар қуйидаги рақамлар остида сақланмоқда: №7321, №3337, №7015, №3876, №3393, №1049, №7498, №682, №676, №5646, №919, №1044.

¹² Ўн биринчи хатм – яъни ҳар ойнинг ўн биринчи кунидан то йигирма биринчи кунигача ўтказиладиган маросим.(Изоҳ Ю.Г.)

¹³ Қаранг: Шайх Абдулқодир Гийлоний. Сиррул асрор. Мактубот. Таржимон О.Жўрабоев. - Т.: Мовароуннахр, 2005. 224 – б.

қалби учун муҳим бўлган шарт сифатида тариқатдаги Ҳаж баёни хусусида қимматли фикрлар билдирилган.

Мазкур асар муқаддима ва 24 фаслдан иборат бўлиб, тасаввуф ва ҳаёт, унга амал қилиш ва бу йўлга мансуб кишининг руҳонияти, аҳамият бериши керак бўлган жиҳатларга тўхталган. Асар яна шуниси билан ҳам аҳамиятлики, унда фалсафанинг асосий категорияси борлиқ, инсон борлиғи, билиш фалсафаси, илмлар ва уларнинг таснифи батафсил баён этилган. Унда жуда кўплаб оят ва ҳадислар келтирилган.

6. “Мактуботи Гийлоний”¹⁴ Ушбу асар “Сиррул асрор”нинг мантиқий давомидир. Гийлонийнинг «Мактуботи Гийлоний» асари мактублардан иборат бўлиб, у бобларга, боблар фаслларга, фасллар эса нақлларга бўлинади.

«Мактуботи Гийлоний» асари ҳанузгача кимга аталгани ҳақида маълумот йўқ. Фақат айрим маълумотларга кўра Аҳмад Рифоъийга ёзилганлиги тахмин этилади. Лекин бу асардаги исталган бир мактубни ўқиган киши уни бир кишига эмас, балки бутун инсониятга қарата ёзилган бўлиб, яъни шу инсониятни яхшиликка, эзгуликка даъват этаётганини илғаш мушкул эмас.

7. “Ҳизб-ул-фаҳр-ил-кабир-бил-Жилани” (Жилонийнинг фаҳрли буюк хизби) Шарқшунослик институти араб қўлёзмалари фондида (Москвадаги ФА бўлимида) номли асар мавжуд бўлиб, у №3523 рақами остида сақланаётганлиги ҳақида маълумот берилган.¹⁵

8. “Авроди Шайхи Абдулқодири Жилоний”¹⁶ Ҳақиқат даражасига юксалган шайхлар ўз муридларига илоҳий файлларни қабул қилиш йўлларини ўз авродлари орқали очиб берганлар.

Абдулқодир Гийлоний «Аврод»и кодирия тариқатига кирган солиқ юксак манзилга - Ҳаққа етиш учун мунтазам англаб, моҳиятига етиб, мушоҳада этиб ва қалб билан такрорлаб туриши зарур бўлган санолар, Тангрининг исмлари, зикр, тасбеҳ, Қуръон оятлари тиловати, салавот ва дуолар тўпламидан иборатдир.

Ушбу «Аврод» асари ҳажман кичик бўлиб, еттита муножотдан иборат бўлиб, 2005 йилда нашрдан чиққан “Авроди Қуръоний”¹⁷ асари таркибига киритилган.

9. “Фатхур-раббоний вал файур-рахмоний” Бу асар таржимаси “Раббонийликни англаш ва раҳмоний файзни қозониш”¹⁸ номи билан нашрдан чиқди. Асар икки китобдан 68 мажлисдан иборатдир. Унинг биринчи китоби 34 мажлисдан иборат бўлиб, унда Абдулқодир Гийлонийнинг ваъзлари жамланган. Асарда илгари сурилган қалб поклиги, нафс ва унга қарши курашиш, илм ва амал, савоб ва гуноҳ, тавба ва покланиш, маърифат

¹⁴ Ушбу асарнинг форс тилидан таржимаси филолог олим Жўрабоев О.томонидан амалга оширилган ва бу ҳақда “Имом ал-Бухорий сабоқлари” журналининг 2002 йил 4-сонида маълумот берилган. 2005 йил “Мовароуннаҳр” нашриётидан нашрдан чиқди. ЎзР ФА ҳузуридаги Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида “Мактуботи Гийлоний” асарининг 2 нусхаси мавжуд. Улар №10772, № 2093 рақамлар остида сақланмоқда.

¹⁵ Арабские рукописи института востоковедения. -Ч.1. Краткий каталог / Под ред.А.Б.Халидова.-М.:Наука, 1986. -С.176.

¹⁶ Ушбу асарнинг матни “Аврод ва вазоиф” тошбосма асаридан олинган. Бу асар нусхаси Бухоро шаҳридаги “Пири Дастгир” масжиди имоми Жонмуҳаммад Гулов шахсий кутубхонасида сақланмоқда. Асарни биз имкон даражасида араб тилидан таржима қилдик. ЎзР ФА ҳузуридаги Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида “Авроди Шайх Абдулқодир Жилоний” 4 нусхада сақланган. Бу асар нусхаси Санкт-Петербургда ҳам мавжудлигини Холидов Б.ёзган. Унда берилган маълумотга кўра №3445 рақами остида сақланаётган асарнинг тўлиқ номи “Ал аврод-ул усбуъийа- Абдалқадир Гиланий” “Абдулқодир Гийлонийнинг ҳафталик вирдлари” сифатида берилган.

¹⁷ Қаранг: Авроди Қуръоний. Ҳафта давомида ўқиладиган Қуръоний зикр-дуолар. Таржимон, шарҳ ва изоҳлар муаллифи Баҳриддин ибн Сафар ан-Нурий ал-Ҳанафий.Т.:Мовароуннаҳр. 2005. –Б. 79 .

¹⁸ “Фатхур раббоний вал файзи раҳмоний” (аслиятда) асарининг таржимаси бўлиб, уни амалга оширган Муҳаммадҷон Нуриддин, Олимхон Юсуф, Аброр Абдулазим, Абдулбоки Азим ва масъул муҳаррир имом хатиб Тўлқин Ийсо ўғли меҳнатлари таҳсинга лойиқ ишдир. Ушбу асар “Мовароуннаҳр” нашриётда 2005 йил (1-китоби) нашр этилди. Унда тасаввуфнинг хусусиятлари, унинг амалий ҳаётда тариқат тушунчаси орқали намоён бўлиши ва кодирия ҳақида фикр юритилган.

ва гўзал ахлоқ каби ғоялар бевосита ислом динининг асосий манбалари Қуръони карим ва Ҳадис асосида таҳлил этилган.

ЎзР ФА ҳузуридаги Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида Абдулқодир Гийлонийнинг яна бир неча асарлари қўлёзмаси мавжуд бўлиб, улар тадқиқ этилиши лозим бўлган қимматбаҳо манбалардир.

Демак, Абдулқодир Гийлоний XI аср охири - XII асрларда яшаган мутасаввиф. Ундан қолган бой маънавий мерос бугунги кунда қодирия тариқатининг мавқеи ва унинг амалий аҳамиятини белгилайди.

2.Пири Дастгирнинг комил инсонга оид қарашлари

Гийлоний барча тасаввуф аҳли билан уйғун ҳолатда комил инсон ҳақида фикр юритган ва бу ҳақдаги таълимотини ўз асарларида баён этган. Унинг асарида асл инсон, хос инсон ва ҳақиқий инсон тушунчалари бор. Булар ичида ҳақиқий инсон энг комил инсон дея таърифланган. Гийлонийнинг “ҳақиқий инсон”га оид қарашларини маълум тизим деб олсак, унинг таркиби қуйидагилардан иборат эканлигини кўриш мумкин:

1. Ҳақиқий инсон – руҳи олий ҳад даражасида юксалган инсон.
2. Ҳақиқий инсон – фақирлик мақомидаги инсон.
3. Ҳақиқий инсон – тана ва руҳи уйғун инсон.
4. Ҳақиқий инсон – ўз нафсини жиловлаган инсон.
5. Ҳақиқий инсон – ҳақиқатни англаган инсон.
6. Ҳақиқий инсон – нурли инсон.
7. Ҳақиқий инсон – илоҳий-ладуний илмни эгаллаган инсон.

Ҳақиқий инсон ҳақидаги Гийлонийнинг тизими таркибидаги элементлар бир-бири билан боғлиқ, бири иккинчисини тақозо этади. У комил инсонга ҳар томондан баҳо беради.

Шу ўринда биз комил инсон - илоҳий сифатлар соҳиби эканлигини “Девони Ғавсул Аъзам” асари таркибидаги бир ғазал таҳлили асосида кўрсатмоқчимиз.

Инсон умри аслида бир синов даврини ўтиш билан ўлчанадиган бир мезондир. Ана шу мезон кўрсаткичида у камолот ёки тубанлик сари илдамлаб бориши унинг саодат¹⁹ ёки шақоват²⁰ аҳлидан бўлишига олиб келади.

Инсон камолоти масаласини асосий деб биладиган тасаввуф таълимотида инсон ботиний ва зоҳирий олами уйғун илоҳий мавжудотдир. Айниқса, қодирия таълимоти асосчиси Саййид Абдулқодир Гийлоний ғазалиётида бу нарса алоҳида кўзга ташланади. Тадқиқотимиз асосини ташкил этадиган “Девони Ғавсул Аъзам” асарида “Ғар ту талабе дори бедорй, шабҳо гў...” (Ғар талаб қилсанг бедорликни, сен тунда де) мисраси билан бошланадиган ғазалида комиллик даражасига эришиш, яъни илоҳий сифатларни эгаллаш учун тавба, зикр, бедорлик, огоҳлик, тажаллийни кўриш, зоҳир ва ботин уйғунлиги, кечиримлилик, қарамли бўлиш каби мақомларнинг аҳамияти хусусида фикр юритилади. Ғазалнинг илк байтиданоқ бунга ишора берилган:

Ғар ту талабе дори бедорй, шабҳо гў,
Бо зикри худо будан дар хилвату танҳо гў.

Мазмуни:

Ғар талаб қилсанг бедорликни, сен тунда де,
Худо зикрини хилватда бўлиб танҳо де.

Талаб инсон учун маълум моддий ва маънавий-руҳий истаклари, эҳтиёжларини қондириш йўлидаги хоҳиш демакдир. Унинг натижасида инсон борлиғида маълум ўзгаришлар юз беради. Бу ўз навбатида унинг баркамоллиги учун асос бўлади. Илк байтда таъкидланган бедорлик ҳолатидаги илтижо тунда амалга оширилса у қандай натижа бериши мумкин? Маълумки, бедорлик тушунчаси уйқу билан қарама-қарши бўлиб, тасаввуфда ғафлат ва огоҳлик ҳолатини англатади. Тунда огоҳ, бедор ҳолатда бўлиш анча

¹⁹ бахтли

²⁰ бахтсиз

мушкул. Лекин, кундуз кунда ҳам инсонлар борки, шундай ҳолатда бўладилар, гўё улар ухламаган, кўзлари очик, лекин ғафлатдадирлар.

Аммо тунда ҳам уйқу ҳолатида бўлса ҳам, огоҳ, хушёр, қалби, руҳи зикрда бўлган инсонлар бор. Бедорлик бу ерда барча сенга берилган имконият, вақт, у тунми, ё кунми фойдали, керакли иш билан машғул бўлиш.

Хўш, хилватнинг ушбу ҳолатга қандай дахли бор?! Хилват- бу пана, кўзга кўринмайдиган маъносидадир. Хилват - арабча сўз бўлиб, ёлғизлик, ёлғиз ўтириш, ёлғиз ўтирадиган жой, бегоналардан холи бўлган жойда ўтириш маъноларини англатади. Лекин Гийлоний қалбни Аллоҳ хилватгоҳи деб, танҳо у билан қолиш лозим дейди. Энди зикр билан машғул бўлган ҳар банда яратганнинг дийдорига ошиқади. Уни кўриб бўлмаса, эшитиб бўлмаса, қандай дийдорига эришиш мумкин? Бу кейинги байтда ажойиб тасвирланган:

Он дўст 3-ҳар зарра худро ба шумо бинамуд,
Дар Машриқу дар Мағриб як дийдаи бино гў.

Мазмуни:

Ул дўст ҳар заррадан ўзини сенга кўрсатар,
У Машриқу Мағрибда бир дийдаи бино де.

Ушбу байтда тасвирланган дўстнинг ҳар заррадан ўзини намоён этиши-тажаллийга ишора. Тажаллий – бу намоён бўлиш демакдир. Атрофимизни ўраб олган набототу ҳайвонот олами, кўзимизга кўринмайдиган заррадан то улкан коинотга қадар барчасида Аллоҳнинг куч-қудрати, қуввати, жалолу- жамоли мужассамдир. Фақат уни кўриш, ҳис қила олиш даркор, шундагина инсон барча –барчада Яратувчини кўради ва меҳр- муҳаббат назари билан қарайди. Бу ўз навбатида инсонда бағрикенглик сифатини шакллантиради.

Байтнинг иккинчи мисрасида Шарқу Ғарбда бирдек кўзга кўринадиган бино деганда, ҳамиша тирик ва уйғоқ бўлган Аллоҳ ҳаммани бир хил назарда кўради, ҳар бир инсон учун ҳам у бир хил. Аллоҳ назарида яхши ё ёмон инсон бўлишидан қатъий назар, тавба қилса авф этилади. Инсон ҳам борлиқни севиб, кечиримли бўлиши лозим. Кейинги байтда мана шундай сифатларидан бири акс этган:

Ҳар чиз 4-зи жустиий баҳри ту муҳайё кард,
Ту ҳеч намеғўйи кони холиқ ашё гў.

Мазмуни:

Ҳар нарсани истадинг қилди муҳайё сен учун,
Сен айтма зинҳор Холиқ кони ашё де.

Инсон нени тиласа, ният қилиб, қалбидан ўтказса, хоҳ у моддий бўлсин, хоҳ маънавий, барчасига эришиши мумкин, чунки бутун борлиқдаги нарсалар, бутун ризқ Аллоҳникидир. Лекин қачон бутун борлиқ инсон хизматида бўлади? Бунга нима керак?

Бисёр гунаҳ карди, аз Ҳаққ ту натарсиди,
Аз тарси азоби Ҳаққ нолидани шабҳо гў.

Мазмуни:

Бисёр гуноҳ қилдинг ўзга ҳақидан кўркмадинг,
Азобдан кўрқиб энди нолаларни тунда де.

Инсон ҳаёти давомида билиб, билмай кўп хато, камчиликка йўл қўяди, ёки гуноҳ қилади? Ёш ўтган сайин, ақли муқимлашиб боргани сайин ёки қайсидир бир ножўя ҳаракати туфайли яқинлари, фарзанди ёки унинг энг яқинлари азобланаётганини кўрса, амалларининг хатолигини англаб етади ва ундан кутулишга, бартараф этишга ҳаракат қилади. Мана шу ҳаракат –нола-яъни афсусланишдир. Инсон Аллоҳ ҳузурида кечирим сўрайди, Яратган Зот эса унинг қалбида яшайди. Инсон ўз қалбига мурожаат қилишдан ҳеч қачон уялмайди, тап тортмайди. Уни қийнаётган азоб –бу виждон азобидир. Энди банданинг илтижоси қандай самара натижа бериши мумкин? Бу ҳақда кейинги байтда яққол тасвирланган:

Чун гўйи “Ё Аллоҳ”, гўям ба ту “Лаббайка”,

Ин банда навоз баҳо жуз ҳазрати моро гў.

Мазмуни:

Десанг агар “Ё Аллоҳ”, дегум сенга “Лаббайка”,

Бу бандага бизники деб бўлгайдир имо де.

Банда Яратганга мурожаат қилар экан, унинг илтижоси ҳеч қачон эътиборсиз қолмайди. Чунки Аллоҳнинг сифатларидан бири Раҳим –яъни раҳмлидир. Чин дилдан афсусланган инсоннинг тавбаси албатта қабул бўлади. Чунки банда Яратганнинг бир жузъи экан, демак унинг эркаликларини кўтариш ҳам ўша ҳазратга хос ишдир.

Бар худ накарди раҳме, ман бар ту кунам раҳмат,

Дастгири гунаҳкорон ғайр аз карами мо гў.

Мазмуни:

Ўзингга раҳм этмадинг мен сенга қилай раҳмат,

Гуноҳкорни кечмоқлик карамимиз илло де.

“Ўзингга раҳм этмадинг” ибораси ортида инсон ўзи билиб туриб ҳатто қонунни бузиб бўлсада манфаати учун кўп нарсани, бошқаларнинг ишончини поймол этади. Одатда, жиноятлар қаердан келиб чиқади?! Қонунларни менсимай бузишдан, амал қилмасликдан ёки банда бирон камчиликка йўл қўйса ўз айбини атрофдагилардан яширишга ҳаракат қилади, ваҳоланки Аллоҳ доимо ҳушёр ва уйғоқ бўлганлиги учун ҳатто кўнглимиздан кечган заррача шубҳа бўлса-да шундан хабардор. Ана шундай инсонлар одатда умрининг охирида амалларининг хато эканлигини англагач тавба-тазарру қилади. Шундаям раҳмдил Аллоҳ кечиримли, у бандаларининг гуноҳидан кечади. Ушбу байтда шу ҳақда фикр юритилган. Иккинчи мисрада бу ишга фақат қодир Яратган Зотдир дея таъкидланади. Чунки инсонлар орасида алданганлари кўпроқ учрайдики, улар одатда нажотни турли куфр ишлар билан машғул бўлувчи, ёвуз руҳлар ёрдамида инсонлар тақдирини башорат қилувчи фолбин, сеҳргарларга мурожаат этишади. Ваҳоланки, кечиримлилиқ (Ғофир) ва айбларни ёпувчилик (Саттор) сифатлари фақат Аллоҳга хосдир. Шу билан бирга Аллоҳ карамли эканлиги ҳақида гап кетади. Тасаввуфда асосий тушунчалар дам, қадам, карамдир. Яъни инсон ҳар дамда Аллоҳдан огоҳ бўлиши, ҳар қадамини пок йўлга қўйиши, карам мудом керакли бўлишдир - зарур пайтда ёрдам беришидир. Банда гуноҳини англаб, тавба мақомига кирса, карами кенг Аллоҳ ёрдамга келади. Бу билан бандалар ҳам карамли бўлиши кераклигига ишорат қилинмоқда.

Бинандаю шинаванда жуз ман касе дигар на,

Бесамъу басар чун ман бинандау шинво гў.

Мазмуни:

Кўргувчи, эшитувчи мендан ўзга кишида йўқ,

Лек “самъу” “басар” менда “бинандау” “шинво” де.

Ушбу байтда Аллоҳнинг қудрати бўлмиш – кўрувчи ва эшитувчилик сифати алоҳида таъкидланишига сабаб, у ҳамиша тирик ва уйғоқ бўлганлиги сабабли ундан яширин бирор сир бўлиши мумкин эмас ва бу сифат қайсидир маънода инсонга ҳам хосдир. Аммо туну-кун ер юзининг қайси бир четида бўлмасин фақатгина Аллоҳнинг назаридан ҳеч нарса қочиши мумкин эмас. У бизни эшитади ва кўради. Инсон илоҳий сифатларни эгалласа, Аллоҳ унинг кўзи, қўли, оёғи бўлиб, уларга ўз қувватини ато этади. Илоҳий сифатли инсонлар ҳам қалби билан эшитиб, кўриб билади.

Байтнинг иккинчи мисрасида таъкидланган “бесамъу басар” тушунчаларининг моҳияти самъ – эшитиш, басират кўриш қувватисиз ҳам Аллоҳ кўриш, эшитиш қобилиятига эга. Яъни инсонни эшитиш учун икки қулоғи, кўриш учун икки кўзи бор. Аллоҳга улар керак эмас. Басират – фаросат, ҳақиқатни қалб билан ҳис қилиш; иймон огоҳ бўлиб, ибрат оладиган ҳидоятнинг сабаблари. Гийлоний ёзади: “Басират руҳ булоғидан келади. Авлиё учун у “Фуод” мақомида очилади. Бунга эришмоқлик тарзига келсак, у зоҳирий билим билан бўлмайди. Ғойибдан ва ботиндан жўшиб келувчи илм лозим.”²¹

²¹ Шайх Саййид Абдулқодир Гийлоний. Сиррул асрор. Мактубот. Т.: Мовароуннаҳр, 2005.-Б. 40-41.

Басиратларни очмоқлик учун набий, валийларни ғофилларга юборади. Асл ғоя уларни ғафлат уйқусидан уйғотмоқдир. Яъни басират огоҳлик ҳолатида бўлади. Ғафлат ҳолатида бу мумкин эмас.

Гийлонийнинг таъкидлашига кўра, инсоннинг басират кўзи бўлса, Аллоҳни шу ҳолда кўрар эди. Лекин фаҳмининг касаллиги инсон учун офатдир. Гийлонийнинг бу фикри басират илмини фаҳм-фаросат илми билан уйғун тушунча сифатида ишлатилганидан далолат беради. Бу илмларни эгаллаш учун амалнинг аҳамияти катта. Гийлоний “зоҳирга амал қилсангиз, ботинни фаҳмлашга олиб боради. Аввал кўнглингни фаҳмла. Шунда қалбнинг нафсингга, нафсинг тилингга, тилинг юзага чиқади”²², - дея эътироф этади. Демак, интуитив ёки иррационал билим асоси амалдир. Ундан кейин қалбга ва яна нафс ва тил орқали ошкор бўлар экан. Яъни илм боши зоҳир бўлса, натижаси ҳам зоҳир бўлар экан. Мана шундагина инсон Яратганни кўра олиши мумкин бўлар экан.

Ман Аввалу ман Охир, ман Зоҳиру ман Ботин,
Жумла манаму жуз ман як зарраи ту намо гў.

Мазмуни:

Мен Аввалу мен Охир, мен Зоҳиру мен Ботин,
Жумла ўзим, жуз ўзим, бир заррада намо де.

Ушбу байтда ибтидо ва интиҳо, яъни олам ва ҳаётнинг боши ҳам охири ҳам фақат Яртагандир. Яъни бутун борлиқни биргина “Кун!(Бўл)” ибораси билан бунёд этган Зот уни “Паякун!(Якун яса!)” орқали йўқ қила олишдек илоҳий сифат соҳибидир. Бу фазилатлар инсонга ҳам хосдир, чунки, у ўзининг тафаккур кучи ва ақлу-идроки билан бутун мавжудотни ўзига бўйсундирган, керак бўлса ихтиро қилган. Лекин бунга қарши ўлароқ уни барбод эта олиш ҳам тубан инсонларга хосдир. Мана шундай илоҳийлик сифатларини инсонда ҳам кўриш мумкин. Мавлоно Жалолиддин Румий таъбири билан айтганда “Ононки талабгори худойед, худойед, Берун зи шумо нест, шумойед, шумойед”. Яъни инсоннинг ўзида илоҳийлик мужассамдир ва бу хислати уни комиллик даражасига етказди. Бу ғояни биз Гийлонийнинг яна бир муҳим фалсафий асари борки, бевосита инсонга бағишланган бобида учратдик. У ўзининг “Сиррул асрор” асарида инсоннинг зоҳирий ва ботиний томони мавжудлигини таъкидлайди. Инсонни яхлит билиш, уни тизимли ўрганиш учун унинг ҳам зоҳир, ҳам ботин томонларини ўзаро алоқадорликда ўрганиш лозим. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, “зоҳир” ва “ботин” тушунчалари асосий тасаввуфий-фалфасий категориялардандир. Қомусий луғатда “Ботинийлик ва зоҳирийлик – инсоннинг ички, қалб, кўнглидаги ҳиссиётлари ва уларни сиртқи томондан, ташқи кўринишда ифодаланиши. Инсон ташқи томонидан ғариб, ночор кўринса-да, унинг ботинийлик ҳиссиёти, қалби, кўнгли ниҳоятда нозик ва маънавий бой бўлиши мумкин. Ёки аксинча, сиртдан қараганда, кам-кўстсиз, салобатли кўринган киши ҳиссиётсиз, қалби кўр бўлиши мумкин. Ботинийлик инсонга илоҳий бахш этилган неъмат, у буюк кишиларнинг зоҳирий фаолиятларида ёркин ифодасини топган”²³ деб таъриф берилган. Бунга уйғун равишда Гийлоний ҳам “инсон икки томондан мутолаа қилинади: жисмоний ва руҳоний” – дея таъкидлайди. У инсон борлигини жисмоний ва руҳоний томонлардан иборат мавжудот сифатида таҳлил этади. “Жисмоний, яъни ташқи кўринишдаги моддий ҳол демакдир,”²⁴ - деб ёзади Гийлоний. Бу билан жисмоний томон инсон борлигининг ташқи, яъни зоҳирий, бизга кўриниб турган томони, моддий ҳолати деб таъкидлайди. “Руҳоний қолипнинг (моҳиятидаги) махфий ҳолатга келсак, махсус бир ҳол бошланади,”²⁵ - дейди. Бу билан биринчидан, жисмоний томон, бизга кўриниб турган томонни қолип деб таъриф бериб, шунинг замирида махфий бўлган, яширинган томонни руҳоний ҳолат деса, иккинчидан, жисмоний томон билан руҳоний ҳолатни бир-бири билан узвий боғланган

²² Ўша жойда. – Б. 36.

²³ Фалсафа. Қомусий луғат., /Тузувчи ва масъул муҳаррир Қ.Назаров.Т.: Шарк, 2004. –Б.59.

²⁴ Шайх Сайид Абдулқодир Гийлоний. Сиррул асрор. Мактубот. -Т.: Мовароуннахр, 2005. –Б. 47.

²⁵ Ўша жойда.

бир бутуннинг бўлаклари сифатида қарайди. Гийлоний жисмоний томонни қолип дейиши орқали руҳоний томоннинг инсон ҳолатига жуда боғлиқ эканлигини таъкидлайди. Маълум бир маҳсулот, дейлик ғиштнинг турлари, кўринишлари, сифати қолипга боғлиқ. Чунки хом-ашёни унга солганда зарурий шакл ҳосил бўлади. Демак, руҳий томон жисмоний қолипга кирганидан кейин ундан қандай инсон ҳосил бўлиши ҳар икки томонга ҳам баб-баравар боғлиқ. Гийлоний жисмоний томонни “жисмоний борлиқ” деб ҳам айтади.

Мутафаккирнинг фикрича, инсонда бутун борлиқда бор бўлган ҳамма махлуқот мавжуддир. Шунинг учун у инсонни шундай таърифлайди: “Инсон Ҳақнинг ойнаси бўлиб, ҳам жамол, ҳам жалол сифатини акс эттирмакда. Бутун коинот яратилаётганда (бу ойна) тўплангандир. Яна бу ҳикматга манба бўлиб, “жамъ этувчи борлиқ” ва “улуғ олам” номи инсонга берилди”²⁶. Гийлоний инсонга “жамъ этувчи борлиқ” ёки “улуғ олам” деб таъриф бериш билан инсон борлиғи бутун борлиқнинг кичрайтирилган нусхаси деган ғояни илгари суради.

Инсоннинг асл сири шундаки, унинг танаси, зоҳири кичик оламдай кўринса-да, лекин ботини, руҳий томони илоҳий сир бўлиб, бутун борлиқни ўзида акс эттиради. Шунинг учун ҳам инсон бутун борлиқни билиш учун аввало ўзининг икки жиҳатини ҳам чуқур ўрганиши лозим. Инсон бошқа (яратилмишларнинг) ҳилофича бутун исмларнинг зухурот жойидир. Инсондан ўзга махлуку ашё бир жиҳатли (ўлароқ) яратилгандир. Инсон ўзида коинотнинг улвий (олий, юқори даражада) ва сифлий (паст, тубан даражада) хусусиятларни менлигида акс эттиргани сабабли, керак бўлса, анбиё-ю, авлиё ҳам хатодан холи бўлолмайди деб ҳисоблайди Гийлоний.

Бизнингча, бу тана ва руҳнинг ўзаро мутаносибликда ривожланиши масаласи тўғри йўлдир. Чунки руҳ танасиз жамиятга хизмат қилиши мумкин эмас. Руҳнинг камолот воситаси тана ва унинг фойдали, холис хизмати. Демак, тана юксалиши руҳ билан алоқадорликда бўлади. Бунда тана юксалишининг биринчи шарты тана - вужуднинг покизалигидир. Кир ва ифлосликларни тозаламагунча қудсий ва раббоний ҳузурга юксалиб бўлмас.

Модомики, тана ривожини руҳ ривожига асос бўлар экан, жисм дунё иши билан машғул бўлса-да, унга боғланмай, фориғ бўлиши лозим. Бунга эса қодирия таълимотидаги “Машғуллик ила фориғлик” ва нақшбандларнинг “Даст ба кору дил ба ёр” ҳолати орқали эришилади. Ушбу ҳолат тасаввуф таълимотида кенг тарқалган ва ҳозирги кунда барҳаёт бўлган нақшбандия ва қодирия тариқатининг бунёдкорлигидан далолат берувчи муҳим далилдир.

Жумла –бутун, жузъ эса бўлак тушунчаларини фалсафа фанидан система, структура ва элемент тушунчалари орқали ифодалаш ва қиёслаш мумкин. Система – яхлит бир бутунлик сифатида ташкил топган объектни ифодаловчи фалсафий категория. Кўпинча системани энг умумий тарзда элементлар ўртасидаги ўзаро алоқалар бирлиги сифатида таърифлайдилар. Система сўзи ўз маъносига кўра “алоқа”, “элемент”, “бутун”, “бирлик”, “структура”(элементлар ўртасидаги алоқалар схемаси) тушунчалари билан боғлиқ²⁷. Бундан, системани – илоҳий борлиқ, структурани – моддий борлиқ, элементни эса(байтда ифодаланган зарра) - инсон борлиғи билан уйғун, мос деб, ҳулоса қилсак ўринли бўлади деб ўйлаймиз.

Бундан ташқари инсонда барча борлиқлар жамъдир. Абдулқодир Гийлоний инсонни бошқача ном билан “жамъ этувчи борлиқ” деб атайдди. Ушбу тушунча замирида инсоннинг икки олам маҳсули эканлиги яъни зоҳири – моддий олам, ботини – руҳий олам маҳсули эканлигини таъкидлайди. Шу икки олам бирлигидан инсон борлиғи пайдо бўлган. Зоҳир ёки Ботин алоҳида-алоҳида мавжуд бўлиши мумкин эмас. Чунки танада бўлган руҳ инсоннинг камолотига хизмат қилади. Руҳ танадан чиқар экан жасад жонсиз танага айланади. Демак, тана ёки руҳ камолоти учун уларнинг иккиси бирга бўлиши шарт.

²⁶ Ўша асар. –Б.97.

²⁷ Фалсафа. Қомусий луғат.,/Тузувчи ва масъул муҳаррир Қ.Назаров.Т.: Шарқ, 2004. –Б.370.

Тананинг саломатлиги руҳ билан боғлиқлигини эса ҳозирги замон тиббиёт фани исботлаган. Ушбу байтдаги “Аввалу” “Охир” – Аллоҳга хос бўлса, Ботин ва Зоҳир, Жумла ва Жузь инсоннинг ҳам эгаллаши мумкин илоҳий сифатларидир. Шу ўринда айтиш жоизки, “Сиррул асрор” асарида “Инсон менинг, мен эса унинг сириман” дея таъкидланган. Ушбу фикрнинг давоми кейинги байтда ажойиб ифодаланган:

Аз ғояти пайдои пинҳон бувад ин донам,

Пайдойи чунон пинҳон мегў, ки ту оё гў.

Мазмуни:

Пайдолигу пинҳонлик сифатида биларман,

Пайдою пинҳон қайда дегинки сен оё де.

Пайдолик ва пинҳонлик- бу ҳар бир жонли мавжудотга хосдир. Пайдолик –бу нафақат инсонга ёки жонли мавжудотга, балки бутун тирик ва нотирик борлиққа хос сифатдир. Аллоҳ яратган ҳар қандай яратикнинг биз кўриб турган жиҳатидан ташқари бизга аён бўлмаган яширин томони ҳам бордирки, бу бевосита руҳ билан боғлиқдир. Чунки Аллоҳ таоло руҳни пинҳон (яширин) қилдики, уни кўз билан кўриб бўлмайди, фақатгина ҳис этиш мумкин холос. Оддий бир мисол: олимлар ўсимликларнинг ўсиш жараёнида ижобий ва салбий эмоциялар қандай таъсир қилишини ўрганиш мақсадида тажриба олиб боришади: учта тувакдаги гулга уч хил муносабат кўрсатишади. Биринчи гул тувакка доим ижобий гаплар айтиб, меҳр кўрсатишади, иккинчи гул тувакка эса ҳеч нарса айтмасдан, учинчи гул тувакка нуқул салбий гаплар айтиб, маълум муддат уларнинг ривожланишини кузатишади. Натижада биринчи -гул баравж ўсади, иккинчи –гул бир хил туради, учунчи-гул тувакда қуриб қолади. Шундай тажрибалар тупроқ, сув ва бошқа жисмларга қилганда ҳам уйғун натижа берган.

Демак, яхши сўз жон озиғи деб таъкидланишида ҳикмат бор. Чунки инсон ҳам мана шундай сирли мавжудотдир. Ҳали эндигина она қорнида ривожланадиган гўдак ҳам оиладаги катталар ўртасидаги муносабатлар таъсири остида руҳий ҳолати сокин ёки, асабий тусда шаклланади. Оқибатда унинг ҳаёти давомида табиати муқимлашиб флегматик, меланхолик, сангвиник ёки холерик бўлиши мумкин. Мана нега яратикларнинг барчаси бир хил феъл-атворли бўлмайди. Бундан ташқари пайдолик - бу зоҳир, пинҳонлик- ботин маъносини ҳам англатади. Буни фалсафий категория бўлган мазмун ва шакл тушунчалари билан қиёслаш мумкин. Пайдоликни – шакл, пинҳонликни – мазмун десак бўлади. Мазмун ва шакл – оламдаги турли нарса, ҳодиса ва жараёнларнинг диалектикасини ўрганишда, улар ўртасидаги алоқа ва муносабатларни билишда муҳим ўрин тутадиган категориялар. Мазмун – бу муайян нарса, ҳодиса, жараёнларнинг ўзига хос сифати хусусиятлари, муҳим белгилари ва элементларининг йиғиндисини англатса, шакл мазмуннинг мавжудлик усули, нарса ва ҳодисаларнинг ички ва ташқи тузилишини ифода этади²⁸. Инсоннинг шакли унинг пайдолигида бўлса, мазмуни эса пинҳоний, кўзга кўринмайдиган хислат ва фазилатларидадир. Кейинги байтда ушбу фикрнинг давомини кўриши мумкин:

Зоту сифату исмам чун халқ ба зоҳир кард,

Ҳар кавни абад бингар кони мазҳар ашё гў.

Мазмуни:

Зоту исмим сифатинг чун халққа зоҳир қилдим,

Абадий ҳар борлиқни кони мазҳар ашё де.

Аллоҳнинг зоти, сифат ва исмларини Аллоҳ яратган махлуқотларда сингдирилган. Улар раҳмоний сифатлар бўлиб, раҳмдиллик, кечиримлилиқ саховатпешалиқ ва ҳ.к. Лекин бу сифатларни барча инсонларда кўра олмаймиз. Инсонларнинг ҳаммаси ҳам илоҳий сифатли эмас. Шунинг учун уларни саодат ва шақоват аҳли дея Гийлоний таърифлаган. Инсонлар шайтон ёки Раҳмонга эргашиб, шунга уйғун ҳаракат қиладилар. Иккинчи мисрадаги “Абадий борлиқ” нима?! Бу замон ва макон, нарсалар олами ёки бошқача

²⁸ Фалсафа. Қомусий луғат., /Тузувчи ва масъул муҳаррир Қ.Назаров.Т.: Шарқ, 2004. –Б.232.

борликнинг абадийлиги. Гарчи шу борлик ҳам вақт ўтиши емирилиш, ёки йўқолиш сари ҳаракат қилади-ю, лекин у бизнинг кўзимизга ташланмайди. Мана шу борлик ашёлар захирасидир. Демак, Аллоҳнинг сифатларини нафақат инсонларда, балки атрофни ўраб турган моддий борликда намоён бўлади. Масалан: ер-хокисорлик тимсоли. Аллоҳга хос сифатлардан камтарлик белгиси, сув -саховатлилиқ тимсоли, буғдой- бағрикенглик тимсоли, қуёш, ой- беминнатлик тимсоли ва ҳ.к.

Эй дўст Муҳйиддин меғуфт, ки, эй ошиқ,

Гар ту талабе дори бедорй шабҳо гў.

Мазмуни:

Эй дўст сенга айтар бу Муҳйиддини ошиқ

Бедорлик талаб қилсанг уни доим тунда де

Ғазалнинг охирги, байтида шоир инсонларга мурожаат қилиб “Эй дўст ” дея мурожаат қилади ва бу дўст қандай инсон? У қалбида илоҳий ишқ жўш уриб турадиган ошиқ инсон. Яъни қалбида илоҳий ишқи бўлган инсон авваламбор ўзига ўхшаган бошқа инсонни севиши, ардоқлаши мумкин, ёки ўзига ўхшаган инсонни сева оладиган банда Аллоҳни севиши мумкин. Бундай инсон эса илоҳий руҳий сифатларни эгаллаши мумкин. Шу илоҳий сифатларга эга бўлишни истаган ҳар ошиқ талабларини тунда бедор ва огоҳ туриб сўраши лозим дея таъкидланади.

Тун – бу инсон учун иқтидорини ишга солишнинг энг қулай фурсати. Чунки фақат шу вақт оғушида инсон мутлақ тафаккур хотиржамлигида бўлади. Бу ҳақда қомусий олим Ибн Синонинг қарашлари алоҳида аҳамият касб этади. “Ибн Сино билишда тажрибанинг ролимни инкор этмаган ҳолда, инсон тафаккурига нурланиш хослиги тўғрисида гапиради. Бундай нурланиш фақатгина мутлақ тафаккур хотиржамлигидагина намоён бўлади”²⁹. Маълумки, инсон тажриба орқали олган билимларини тушуниши ва моҳиятини англаши муҳимдир. Бунинг учун унга фикрлаш қуввати берилган. Бу фикрлаш жараёни хоҳ уйғоқ, хоҳ уйқуда бўлсин юзага чиқиши учун сокинлик ҳолати жуда муҳим. Чунки, тафаккур қилиш – руҳий-маънавий ҳодиса бўлганлиги сабаб, одатда уйқу ҳолатида ҳам буюк кашфиётлар учун имконият бўлиши фанда маълум. Масалан, Д.Менделеев жуда кўп изланишлар натижасида кимёвий элементлар даврий жадвалининг тартибини қай тарзда жойлаштиришни билмайди. Лекин тушида унинг тартибини ҳуди рўёдек кўриб, амалда ҳудди шу тартибда жойлаштиради. Шунингдек, буюк олимлар ҳаётига назар ташласак. Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд тушларида Хожа Абдулҳолиқ Ғиждувоний руҳларидан увайсий таълим оладилар. Демак, тушда қалб бедор бўлса, кўз уйқу ҳолатида бўлса ҳам камолотга эришиш мумкин экан.

Инсонни тафаккурини шакллантирадиган ва чархлайдиган фалсафа илми бу ҳақда нима дейди? Охирги байтда ифодаланган “талаб” – бу воқелик, “тун” – бу имконият! Имконият ва воқелик – оламдаги нарса ва ҳодисалар тараққиётининг давомийлигини, уларнинг бир-бирига ўтиб туришини англатадиган фалсафий категориялар. Ўзгариш, ривожланиш ва ҳодисаларнинг вужудга келиши, намоён бўлиши жараёнидаги ўзаро боғлиқликни тараққиёт ва ривожланиш деганда биз асосий ва муҳим хусусияти бўлган оламдаги ўзгаришни, янгиланишни, бир шаклдаги нарсаларнинг иккинчиси билан алмашилишини, қуйи организмларнинг, жисм ва оддий ҳодисаларнинг мураккаброқ шакл ва мазмундагиларига айланиш жараёнини тушунамиз. Табиийки, бу жараёнлар ўз-ўзича, механик тарзда содир бўла бермайди, балки муайян зарурият, қонуният асосида рўёбга чиқади. Воқелик – ушбу ғазалда, инсоннинг гуноҳларини англаб, бедорлик, яъни огоҳлик йўлидаги ғайрат, ҳаракати бўлса, бунинг учун имконият – бу тундир. Аслида мана шу огоҳлик инсоннинг илоҳий сифатларни эгаллашида асосий кучдир.

Ғазалнинг ёшлар тарбияси учун аҳамиятли бўлган жиҳатлари асосан инсонни ҳушёрликка даъват этиб, инсон ўз қалбига қулоқ сола олиши, нопок ишлардан ўзини

²⁹ Ғарб фалсафаси. Тузувчи ва масъул муҳаррир Назаров Қ. Т.: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти, 2004. –Б. 691.

сақлай олиши ва ўз камолоти учун қайғуриши унинг етуклигини таъминлайдиган мезон эканлигидадир.

Демак, инсон баркамол бўлиши учун илоҳий сифатлар билан безаниш лозим. Ушбу ғазалда бу маънода таъкидланган ғояларни қуйидагича тасниф этиш мумкин:

- Комил инсон - илоҳий сифатлар соҳиби бўлган инсон.
- Бу илоҳий сифатли комил инсон огоҳлик мақомида бўлиши, яъни мудом уйғоқ бўлиши шарт, ғафлатни умуман йўқотиши ва ундан қочишидир;
- Комил инсоннинг илоҳий сифати кечиримлилиқ, бу инсонларни аҳил бўлишига ёрдам беради;
- Комил инсон - айбларни ёпиш хислатли, бағрикенглик фазилатли ва карамли инсон;
- Илоҳий сифатлар комил инсонга қалб кўзи ва қалб қулоғи билан кўриш ва эшитиш хислатини беради;
- Комил инсон – зоҳир ва ботинида уйғун инсондир, у пайдолик ва пинҳонликда илоҳий сифатлар билан безанган;
- Комил инсон жамъ этувчи борлиқ бўлиб, унда кичик ва буюк олам мужассам;
- Ўз зоти ва сифати билан халққа танилган комил инсонлар абадий борлиқ каби “кони мазҳар”дир;
- Ошиқлик мақомидаги комил инсон барча имкониятлардан тунда, шунингдек унумли фойдалана оладиган, вақтни кадрлай оладиган илоҳий сифатлар соҳибидир;
- Комил инсон – барча имкониятларини воқеликка айлантиради;
- Тун шундай имкониятки, бу вақтда инсон билим ва тажрибаси билан эгаллаган маърифат мақомини юксалтириши мумкин, чунки унинг ҳолати хотиржамъ бўлиб, сезгилари сокин бўлади;
- Баркамол авлод тарбиясида зоҳир илми нур ва ботин илмлари аъло нур сифатида хизмат қилиши мумкин бўлган воситадир;
- Комил инсон – фаол шахс. Машғуллик ила фориғлик унинг ҳаётий шиоридир;
- Хушёрлик мақоми – комил инсон руҳий-маънавий камолотининг мезони.

ХУЛОСА

Абдулқодир Гийлоний XI- XII асрларда яшаган йирик мутасаввиф сифатида машҳурдир. Гийлоний қолдирган бой маънавий мерос фалсафа тарихи ва тасаввуф таълимотига тааллуқли бўлиб, унда борлиқ, шахс, нафс, рух ва инсон камолоти масалалари тадқиқ этилган. Шу боис унинг ижтимоий-ахлоқий мероси нафақат тарихий нуқтаи назардан, шунингдек инсон ва жамият тараққиёти учун ҳам муҳимдир.

Комил инсон – “ҳақиқий инсон”ни тарбиялашни мақсад қилиб олган бу таълимотнинг турли қирралари ва амалиёти ҳануз ўз аҳамиятини йўқотмаган. Ўзбекистонда баркамол инсон тарбияси давлат сиёсатининг устувор соҳаси ҳисобланади. Шунинг учун қодирия таълимотидаги ҳақиқий инсон ғояси ушбу устувор вазифани тўла амалга оширишга хизмат қилади.

Комиллик мезони булган илохий сифатларни баркамол авлодда шакллантириш, келажаги буюк Ўзбекистоннинг мустақкам пойдеворини юксак маънавиятли, ижодий тафаккурга эга ёшларга ишониш билан баробардир. Бу борада илм-фан соҳаси, олий таълим даргохларининг профессор-укитувчилари зиммасига катта масулият юкланган. Бу масъулият уз навбатида юрт тарихи ва маънавий меросни урганишни тақозо этади.

